

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги ПҚ-210-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “йўл харита”да белгилаб берилган чора-тадбирлар бўйича Ички ишлар вазирлигининг назорат режаси тасдиқланиб, жорий йил 21 июнда таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига ижро учун юборилди.

Ўтган даврда ички ишлар органлари тизимида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг барвақт олдини олиш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилган:

“йўл харита”нинг 5, 6-бандлари бўйича: ички ишлар органларида яқин қариндошлар бевосита буйсинувида ёки назорат йўналишидаги лавозимларда, шунингдек, ўриндошлик асосида хизмат қилаётган ходимлар аниқланмади;

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 58-бандида ходимларни лавозимга тайинлашда, бунга ваколатли бошлиқлар томонидан ўзаро қариндош бўлган ходимлар (ота-она, турмуш ўртоғи, ака-ука, опа-сингил, фарзандлар, шунингдек турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укаси, опа-сингиллари), агар унда хизмат ўташ бирининг иккинчисига бўйсиниши ёки назорат остида бўлиши билан боғлиқ бўлса, бир бўлинмадаги лавозимларга тайинланишига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

9-банди бўйича: ички ишлар органларидан бўшатишган собиқ ходимлардан биронтаси икки йил ичида ўз хизмат жойига (жумладан, бевосита назоратида бўлган бўлинмаларга) хизматига қайта қабул қилинмади;

11-банди бўйича: ички ишлар органларида хизмат қилаётган ходимлар орасида тадбиркорлик субъектининг акцияларига ёки устав фондидаги улушларига эгалик қилиши, шунингдек, ушбу тадбиркорлик субъектларининг бошқарув органи аъзоси бўлганлик ҳолатлари аниқланмади.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ, ички ишлар органларининг ходимларига илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиши тақиқланган.

Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими «E-anticor.uz» платформасига киритилмаганлиги сабабли, “йўл харита”нинг 12-бандида белгиланган топшириқни, яъни мазкур тизимда жойлашган 2023 йилдаги манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ маълумотларни таҳлил қилиш имконияти йўқлиги маълум қилинади.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон қарорига мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини баҳолаш ўтказиладиган давлат органлари ва ташилотлари рўйхатига Ички ишлар вазирлиги киритилмаган.

Шу билан бирга, айрим бандлари билан белгиланган чора-тадбирлар юзасидан идоравий назорат тизими яратилган.

Мисол учун, **13-бандида белгиланган вазифалар**, яъни ички ишлар органлари хизматига қабул қилинаётган ҳамда бошқа лавозимларга ўтказиладиган номзодлар яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш мажбурияти юклатилганлиги сабабли, эҳтимоллий манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаслиги учун доимий назорат қилиш амалиёти тизимли равишда йўлга қўйилган. Жорий йилнинг шу кунига қадар вазирлик тизимида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланмаган.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон Қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 7-бандида ички ишлар органларига хизматга кириш истагини билдирган шахс ўзининг яқин қариндошлари (ота-она, эр-хотин, фарзандлар, ака-укалар, опа-сингиллар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари) ҳақидаги маълумотларини тақдим этиши шарт эканлиги белгиланган.

15-банди бўйича: ички ишлар органларида манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериш ва уларни тартибга солиш бўйича нормалар Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги Ички ишлар органлари тўғрисида ЎРҚ-407-сон Қонунининг 30-моддасида Ички ишлар органларининг ходимларига илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш мумкин эмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 58-бандида ходимларни лавозимга тайинлашда, бунга ваколатли бошлиқлар томонидан ўзаро қариндош бўлган ходимлар (ота-она, турмуш ўртоғи, ака-ука, опа-сингил, фарзандлар, шунингдек турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укаси, опа-сингиллари), агар унда хизмат ўташ бирининг иккинчисига бўйсунishi ёки назорат остида бўлиши билан боғлиқ бўлса, бир бўлинмадаги лавозимларга тайинланишига йўл қўйилмаслиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2023 йил 20 февралдаги

75-сон буйруғи билан тасдиқланган Ички ишлар органларида кадрлар билан таъминлаш фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида низомнинг 340-бандида раҳбар кадрлар захираси номзодларнинг касбий, ахлоқий, маънавий ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олиниши ҳамда раҳбарлар

томонидан таниш-билишчиликка ва қариндош-уруғчиликка йўл қўймаслик белгиланган.

Мазкур нормаларни амалда ижроси таъминланиши бўйича ҳар бир номзод лавозимга тайинланишидан олдин Ички ишлар органларининг Шахсий хавфсизлик бўлинмалари томонидан атрофлича ўрганилиб, лавозимга тайинлаш ёки тайинланмаслиги бўйича хулоса берилади ҳамда ижроси назорати юритилади.

16-банди бўйича: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 21 октябрдаги “Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 400-сон буйруғи тасдиқланган бўлиб, мазкур буйруқ билан барча ички ишлар органларида “Интизомий кенгаш”лар (одоб-ахлоқ комиссияси) ташкил этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилдаги (*ёпиқ*) қарорига асосан Вазирлик тизимидаги Ўз хавфсизлиги бошқармаси, Шахсий хавфсизлик бош бошқармаси этиб қайта ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилган (*ички назорат тузилмаси*).

17-банди бўйича: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг қуйи тизимларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-445-сон Қонуни ва Ички ишлар вазирининг тегишли буйруқлари асосида олиб борилмоқда.

24-банди бўйича: Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 5 ноябрь куни рўйхатга олинган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2024 йил 21 октябрь кундаги 65-сон буйруғи вазирлик веб-сайтига жойлаштирилганлигини маълум қиламиз.

(<https://gov.uz/uz/iiv/pages/mavjud-manfaatlar-toqnashuvi-togrisidagi-xabarnoma-va-ehtimoliy-manfaatlar-toqnashuvi-togrisidagi-deklaratsiyaning-namunaviy-shakli>)

32-банди бўйича: Ички ишлар вазирлигида манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатлари бўйича хабар бериш мумкин бўлган алоқа каналлари ташкил этилган бўлиб, ушбу маълумотлар Ички ишлар вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган (“1102” Ишонч телефони).

(<https://gov.uz/uz/iiv/pages/korrupsiya-haqida-xabar-berishga-mo-ljallanganalohida-aloqa-kanallari-to-g-risidagi-ma-lumotlar>), (https://t.me/fviib_uz/19897), (<https://t.me/namanganiibuz/31207>), (<https://t.me/kashuvd/53595>), (<https://t.me/kashuvd/48707>)

Қайд этиш лозимки, ўтган давр мобайнида ички ишлар органларига жисмоний ва юридик шахслардан манфаатлар тўқнашуви бўйича

мурожаатлар келиб тушмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йилнинг 29 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1008-сон қонунининг 4-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сонли қонунига ички ишлар органларида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни олдини олиш бўйича қўшимчалар киритилди.